Август—ғўза парваришида ҳал қилувчи ой

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 173 (13.435).
2 АВГУСТ 1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ТАШАББУСНИ ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Оққўрғонликларнинг йиғим-терими барвақт ўтказиш, айниқса машина теримига зўр бериш тўғрисидаги қимматли ташаббуси колхозимиз аъзоларининг кучига-куч, ғайратига тағин ҳам ғайрат қўшиб юборди. Бу ташаббус ҳар бир бригадада ўрганиб чиқилмоқда ва шунга асосланиб, бир қатор тадбирлар белгиланмоқда. Мен ўз бригадамизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Бу йил шу нарса билан характерлики, улкан хирмон учун бир тан-бир жон бўлиб курашаётган ўзбек пахтакорлари ташаббус устига ташаббус кўтариб чиқмоқдалар. Булардан мақсад битта: пахта ҳосилдорлигини ' янада ошириш ва Ватан олдидаги интернационал бурчимизни шараф билан бажаришдир. Хоразмликлар, моҳир механизатор Мамажон Дадажонов, оққўрғонлиилар бошлаб берган қимматли ташаббуслар ҳар биримизга қанот боғлаётганлигини ишимиз, далаларимиз жамоли, ҳар туп ғўзадаги ҳосил тугунчалари кўрсатиб турибди.

Бригадамизда ҳам ғўза парвариши яхши бораётир, десак адашмаймиз. Чунки, ҳозиргача 5 марта комплекс парвариш қилинган ғўзаларимизнинг ҳар тупида 6-7 тадан тўқ кўсак, 9-10 тадан гул санайсиз. Ғўза бўйига ўсиб ғовлаб кетгани йўқ. Чеканкани агротехника муддатида тамомлаганимиз сабабли нунда ҳосилга-ҳосил қўшяпмиз, тупларнинг бақувват бўлиб ўсишини таъминлаяпмиз.

Августни ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилдик. Демак, шу ой давомида оққўрғонликлардан ибрат олиб ғўза парваришини сира бўшаштирмаймиз. Ғўзага минерал ўғит бериши тугаллаган бўлсада, қатор ораларини культивация қилиш, суғоришни оби-тобида ўтказаверамиз, «шарбат» оқизишни янада қизитамиз. Қатор ораларида бирорта ҳам бегона ўтнинг бўлишига йўл қўйилмайди. Тупроқ ҳамиша юмшоқ ҳолда сақланади. Бу эса ғўзанинг янада ривожланиб, серҳосил бўлиб ўсишига яхши имкон туғдиради.

Шу кунларда ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўряпмиз. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Суғориш эгатлари қатор ораларининг қоқ ўртасидан олинмоқда. Бу эса машиналарнинг чайқалмасдан юришига ва пахтанинг нобуд қилмай териб олинишига қулайлик туғдиради.

Оққўрғон пахтакорларининг ташаббусига жавобан бу йил 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилдик. Етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб оламиз. Машина теримида ўзим қатнашаман. Механизатор Асад Истамов ҳам ёрдамга келади. Шундай қилиб, ҳосилни иккаламиз теріб олмоқчимиз. Машиналар йиғим-теримга шайлаб қўйилган. Ҳозирги эътиборимиз ғўза парваришини сусайтирмасдан йиғим-теримга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўришга қаратилган.

Омон ЖУМАЕВ,
Бухоро районидаги «Ленинград» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1966 йил 1 августда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси масалаларини қараб чиқди.



Тошкент область, Бўка районидаги 2- «Пискент» совхозида ғўза машиналар билан чеканка қилияпти. Суратда: совхоз далаларида ғўзани чеканка қилиш пайти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

МОСКВА. (ТАСС). Ироқ Республикасининг Бош министри профессор Абдил Раҳмон Албаззоз ва унга ҳамроҳ бўлган давлат арбоблари 30 июлда Москвадан жўнаб кетдилар. Улар Ленинградга йўл олдилар, у ердан эса, Бокуга борадилар ва сўнгра ватанига жўнаб кетадилар.

ҚАЙСИ МАШИНАЛАР БИЛАН?

3-«Боёвут» совхози раҳбарларига минбар тегса бас, улар машина терминнинг афзалликлари тўғрисида соатлаб гапирадилар.

— Хўжалигимизда ишчи кучи кам, — дейди ўша раҳбарлар, — техника эса бисёр. Шундай бўлгач, пахта теримини юз процент машиналаштиришимиз керак. «Зангори кема»ларга таянмай, меҳнатнинг оғирини унинг гарданига ортмай туриб олга силжишимиз қийин. Машина инсоннинг дўсти, мададкори...

Хуллас, «зангори кема»ларнинг ҳислатларини батафсил таърифлаб чиқишади. Теримни машиналаштиришда катта ғалабаларни қўлга киритаётган бўлимлар, бригадаларнинг бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар мақталади, консерваторлик кайфиятидаги кишилар танқид қилинади. Нутқ қуйидагича тугалланади:

— «Зангори кема»лар юрадиган йўлларда донм яшил чироқлар порлаб турсин, машиналарни теримга барвақт шайлаб қўйилик!..

Халқимизда «мақтанганнинг тўйига бор» деган нақл бор. Яқинда улар оғиз кўпиртириб мақтаган автотрактор паркига бордик. Бордиг-у, таъбимиз хира бўлди. Яхшиси, воқеани ҳикоя қилиб беда қолайлик.

Паркда машиналар бир-бирига чалама-чакки тиркалиб турибди. Бу ҳол худди тартибсиз уйиб қўйилган саржинни эслатади. «ХВС-1,2», «ХТ-1,2» машиналарнинг бир қисми чанга қоришган, бир қисми эса сўлғи ўйнаб кетган. Ремонтда ишлаётган механизаторларнинг афт-ангорига қараб бўлмайди, юз-кўзлари чанга беланган. Тупроққа кўмилиб кетган эҳтиёт қисмлар беҳисоб.

Ремонт ишларининг борили билан танишдик. Совхозда 112 терим машинаси бор.

— Шундан қанчаси теримга тайёр? — сўрадик терим машинасининг бош механиги П. Зинченкодан.

— Устахонамизда 39 «ХВС-1,2» машинаси ремонт қилиниши керак. Шундан бир амаллаб 23 тасини созладик. Қолганига қўл уролганимиз йўқ. Эҳтиёт қисмлар етишмаяпти.

— Машиналарнинг бир қисми «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасига юборилса бўлмайдими?

— Улардан оғзимиз куйди, — ғазабланиб гапирди механик, — шу йил февраль ойида ремонтга 16 машина жўнатган эдик. Терим бошланишига саноқли кунлар қолди, на машина ва на ремонтдан дарак бор. Ўтган куни суриштирсак, энди бешта машина қўлдан чиқарилди, дейишди. Суръат шу зайлда кетса, қолган машиналарни терим мавсумининг охирига олсак ҳам катта гап.

Бу гапда муболаға йўқ. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасига келтирилган терим машиналари, турли агрегатлар ойлаб эмас, ҳатто йиллаб ремонт қилинмайди. Колхоз-совхоз раҳбарларининг бу ҳақдаги шикоятига бирлашма директори Х. Маҳкамов «сабр қилсангиз ўрадан халво битар» деган нақлни ўқиш билан жавоб қилади.

Яна автотрактор паркидаги аҳволга қайтамиз. Бу йилги планга мувофиқ «ХТ-1,2» машиналаридан 31 таси капитал ремонт қилиниши, синовдан ўтказилиб, пахта далаларига чиқарилиши керак. Аммо шу кунга қадар энди 8 машина ремонт қилинди. Қолгани юқорида айтилганидек чанг-тўзонга қоришиб, тупроққа беланиб ётибди. Машиналар қишда қорёмғир остида, ёзда офтобда тураверіб олачипор бўлиб кетган.

— Буларга ҳам эҳтиёт қисмлар етишмайдими? — яна сўрадик механиктан. У елкасини қисиб қўйди-ю, лом-мим демади.

Маълум бўлишича. «ХТ-1,2» маркали машиналар учун ҳам кўплаб эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Ўшандай деталлар «Ўзсельхозтехника» район, область бирлашмалари базаларида бор. Лекин уни вақтида харид қилиб, ремонтчиларга етказиб берадиган жонкуяр киши топилмаяпти. Бу эса ремонт ишларининг ўлда-жўлда қолиб кетишига сабаб бўлаётир.

Совхоз раҳбарларида ёмон бир кайфият пайдо бўлди. Улар озмикўпми меҳнат сарфлаш билан қайта тиклаш ва ишга туширишмумкин бўлган терим машиналари, турли агрегатларни «хизмат муддатини ўтаб бўлди, яроқсиз бўлиб қолди» деган баҳона билан темирсакка топшириш ҳақида буйруқ бераётирлар. Масалан, сўнгги вақтлардагина «ХВС-1,2» машиналаридан 17 таси яроқсизга чиқарилди. Ваҳолонки, иш тиғиз келган пайтларда ўшандай машиналар қидириб қолинади. Самамай саккиз дейиш ҳолларига қатъий чек қўйиш, машиналарнинг «умри»ни узайтириш тўғрисида жиддий бош қотиришга фурсат етди. Буни совхоз раҳбарлари унутмасликлари керак.

Ремонт ишларининг борили билан танишар экамиз, яна бир қатор кўнгилни ғаш қиладиган асабни бузадиган ҳолларга дуч келдик. 3-«Боёвут» совхози йирик пахтакор хўжалик. 4100 гектар майдонда «оқ олтин» етиштиради. Лекин ишчи кучи кам. Бундай шароитда хўжаликни моддий-техника жиҳатдан қўллаб-қувватлаш партия, совет ташкилотлари, таъминот идоралари раҳбарларининг муҳим бурчидир. Афсуски, «Ўзсельхозтехника» Ильич базасининг директори Николай Ким бунга тушуниб етмаяпти. Ўртоқ Ким долзарб кунларда автотрактор парклари, ремонт устахоналарида бўлмайди, ремонтчиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ўйламайди, уларнинг ҳақли овозига қулоқ солмайди. Мана бир мисол.

Совхозга ремонт учун 400 дона подшипник берилиши зарур бўлгани ҳолда энди 40 дона берилди. «6106» маркали шестерналар, «ХТ-1,2» терим машиналари учун занжирлар етказиб бериш ҳам база раҳбарларининг қаёлидан кўтарилиб кетди. Шуни таъкидлаш керакки, фақат Ильич базаси раҳбарларининг айби билан 20 га яқин терим машинаси ремонт қилинмай турибди.

Совхозда бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналари, агрегатларни ремонт қилиб теримга шайлашграфиги ҳам барбод бериляпти. Кўрак териш ва чувиш машиналари, тележкаларнинг ярмидан кўпроғи қаровсиз ҳолда ётибди.

Ремонтчилар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кун бўйи ижодий иш билан банд бўлган кишиларга яхши маданий-маиший шароит яратиб бериш керак. Афсуски, шундай қилинмаяпти. Ҳаво иссиқ бўлган шу кунларда яхна чой у ёқда турсин, ҳатто ичиш учун сув йўқ. Ремонтчи механизаторлар кўчма савдо, маданий-маиший муассасалар хизматидан маҳрум бўлиб қолаётирлар.

Партия комитетининг секретари М. Хўжаназаров мақтанчоқликда маъмурий раҳбарлардан қолишмайди. Лекин амалий ишда эсда қоладиган бирор тадбирни амалга оширганини ҳеч ким хотирлай олмайди. Механизаторлар орасида социалистик мусобақа ташкил этилмаган, лекция, суҳбатлар ўтказилмайди, илғорларнинг иш тажрибаси оммалаштирилмайди.

Бундай кўнгилсиз воқеалар совхоз директори Ш. Титуевнинг кўз ўнгида содир бўляпти. Аммо у буни кўрмай ҳамон минбарда туриб «бу йил ялпи ҳосилнинг 85 процентини машиналарда терамиз!» деб жар солянти. Хўш, қайси машиналар билан?.. Жамоатчилик бу саволга совхоз ва Боёвут район раҳбарларидан жавоб кутади.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТИ АСОСИДА

ЗАРУР ИШЛАР

Шўрчилик пахтакорлар яқинда аввалги социалистик мажбуриятларини қайта қараб чиқдилар ва она-Ватанга 70 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар. Бу илгари олиган мажбуриятдан 10 минг тонна кўпдир. Илгор хўжаликларда олинган юксак мажбуриятларга яраша иш қилинмоқда. Шўрчиликлар ишни яқинда келиб кўздан кечирган Тожикистон ССР ўзаро текшириш бригадаси аъзолари айниқса Жданов номли, Энгельс номли колхозларда ғўза парваришн жуда яхши ташкил этилганини, бу хўжаликларда мўлжалдагидан ҳам зиёд ҳосил етиштирилаётганини катта қониқиш билан таъкидлаган эдилар.

Шу билан бирга, қардошлар шўрчиликларнинг юки бу йил анча оғирлигини ҳисобга олганда, ҳали ғўза парваришни янада кучайтириш кераклигини айтиб, қимматли маслаҳатлар берган эдилар.

Жумладан улар ривожланишдан қолиб кетган ғўза қатор ораларини қўшимча ишлаш, озука бериш, ҳашаротга қарши курашни кучайтириш, далаларни бегона ўтдан тозалаш, культивациянинг сифатини яхшилаш ва кўчатларни сақлаб қолиш учун курашни кучайтириш зарурлигини уқтиришди.

Мусобақадошларнинг келиб-кетганига бир ҳафта бўлди. Бироқ, кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари танқидий мулоҳазалар ва қимматли таклифлардан ҳулоса чиқармадилар. Охунбобоев номли, «Ленинобод», Чкалов номли, «Октябрь 30 йиллиги» колхозларининг раҳбарлари текширувчилар кўзидан нари кетгунча қабилида иш тутдилар.

Масалан, Охунбобоев номли колхозда (раиси ўртоқ Х. Худойбердиев) трактор культивациясига ҳамон кўп нормалар белгиланмоқда. Натижада механизаторлар тракторларни тезлик билан ҳайдаб, культивацияни сифатсиз ўтказмоқдалар. Бунинг устига, тракторларга тўсиқ ўрнатилмаганлиги сабабли бурилиш жойларида кўплаб ғўза кўчатлари нобуд қилинмоқда.

«Октябрь 30 йиллиги» колхозида (раиси ўртоқ А. Тўрақулов) бегона ўт босган далалар ва ҳашарот тушган пайкалларга ҳанузгача қўл урилгани йўқ. Ўртоқ Х. Абдиев бошлиқ бригаданинг ғўзалари ривожланишдан 15-20 кун кечикиб кетган бўлсада, ўсимликларга минерал ва маҳаллий ўғит бериш тўхтатиб қўйилган. Далаларни ўтдан тозалаш, тупроқни юмшатиш ўрнига уст-устига суғорилаверіб, ғўзалар нимжон бўлиб қолган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Чкалов номли колхознинг (раиси ўртоқ Б. Исҳоқов) кўпгина далачилик бригадаларида ғўза парвариши юзасидан белгиланган графиклар бажаришмай қолмоқда. Бунга асосий сабаб деярли ҳамма жойда меҳнат интизоми бўшашиб кетгани, айрим ҳолларда эса «ғўза ўсиб кетди» баҳонаси билан парвариш умуман тўхтатиб қўйилганлигидир.

Шўрчи район партия, совет ташкилотлари бундай бепарволик кайфиятининг олдини олиб, тожикистонлик мусобақадошлар маслаҳати асосида хато-камчиликларни тезроқ тузатиш чораларини кўрмоқлари зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

СИЙҚАЛАНГАН СТАНДАРТ

«Ташплодоовошчторг» нинг Келесдаги пунктига сабзавот келтиришди. Пункт қабулчиси Халил Мадалиев гаранг бўлиб турганиданми, ёки эринганиданми, гапни чўрт кесди:

— Бугун дам олиш куни. Яхшиси эртага олиб кела қолинг.

— Эртагача помидор бузилиб қолади, — эътироз билдирди Собир Раҳимов номли колхоз шофери Нуриддин Алматов.

Барибир Мадалиев ўз гапида турди. Помидор жойланган яшикларни агдар-тўнтар қилди. Бирор камчилик тополмагач, 5-6 та помидорни кафтида ўйнатиб, гап қотди:

— Булар бизнинг стандартга тўғри келмайди, оғайни.

— Қанақа стандарт, — ҳайрон қолди шофер. — Заводда йўнилган болт, гайка ё бошқа деталлар бўлса, бошқа гап. Саноатда стандарт бўлади, деб эшитганмиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларида қанақа стандарт бўлиши мумкин, биродар. Ер хазинасику, бу!

Мадалиев гапидан қайтмади. 205 яшик помидорни ўша зиҳотиёқ колхозга қайтариб юборди. Жаҳли чиқиб, тагин 2-3 машина сабзавотни қабул қилмади.

Бундай ҳодиса пунктда тезкез бўлиб туради. Шаҳар аҳолисига сабзавот зарур бўлган шу кунларда сийқаси чиқиб кетган ҳар қандай стандартларни дастак қилишнинг нима ҳожати бор экан?

Алоқадор ташкилотлардан шу саволга жавоб кутамиз.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Бизни шунчалик ишлиб етиштирган деҳқонларга раҳмат дейиш ўрнига — бу!

ЮКСАК УНВОН

Етти йиллик план топшириқларини бажаришдаги жуда катта хизматлари учун, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликлари учун ва Москвадаги И. А. Лихачев номли автомобиль заводи барпо этилганлигига 50 йил тўлганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 30 июль Фармонига биноан, завод директори ўртоқ Павел Дмитриевич **Бородинга**, старший мастер ўртоқ Василий Константинович **Кокошкага**, наладчик ўртоқ Мария Александровна **Садоваята Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилди. Уларга **Ленин** ордени билан **«Ўроқ ва болға» олтин** медали топширилади. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун ва И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи барпо этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 30 июль Фармонига мувофиқ, шу завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан 997 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади. (ТАСС).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1966 йилда чорвачилик бўйича социалистик мусобақада энг яхши ютуқларга эришган областларга, Қорақалпоғистон АССРга, районлар ва совхозларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тўғрисида қарор қилдилар.

Чорвачилик бўйича социалистик мусобақа илғорларига тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг областлар ва Қорақалпоғистон АССРга бериш учун битта, районларга — битта, совхозларга — битта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди.

Кўчма Қизил байроқлар областларга, Қорақалпоғистон АССРга, районлар ва совхозларга чорва моллар сонини ўстириш, тўл олиш, маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, ёш моллари сақлаб қолиш, ем-хашак тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг биринчи ярим йил якуни, учинчи квартал якуни ва 1966 йил якунига қараб берилади. Кўчма Қизил байроқлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва республика Марказий статистика бошқармасининг тақдимига биноан топширилади.

Илғор чорвадорларни рағбатлантириш мақсадида байроқлар билан ойрга областларга 1500 сўм, районларга 400 сўмдан, совхозларга 200 сўмдан пул мукофотлари ҳам берилади.

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗЧИЛАР БАЙРАМИ

Москва меҳнаткашлари вакиллари, Совет Армияси жангчилари ва ҳарбий денгизчиларнинг 30 июлда Совет Армияси марказий театрида ўтказилган тантанали йиғилиши СССР Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишланди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, мудофаа саноати министри С. А. Зверев, Совет Иттифоқи маршаллари А. А. Гречко, М. В. Захаров, К. К. Рокоссовский, В. Д. Соколовский, В. И. Чуйков, қўшинлар турларининг маршаллари, генераллар, адмираллар, офицерлар ва матрослар президиумдан жой олдилар.

Тантанали йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева очди. У, ҳарбий денгизчиларни, кемасозлик саноати ходимларини байрам билан самимий табриклади.

СССР мудофаа министрининг ўринбосари, Ҳарбий-Денгиз Флоти бош қўмондони, флот адмирали С. Г. Горшков ўз нутқида шонли флотимиз босиб ўтган жанговар йўлни таърифлаб берди, денгиз чегаралари ҳимоячиларининг ҳозирги қуйда эришаётган муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

Йиғилишда «Знамя труда» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Н. С. Гладишев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пастухов, кемасозлик саноати министрининг ўринбосари А. М. Фокин, денгиз флоти министрининг биринчи ўринбосари Т. Б. Гуженко ҳарбий-денгизчиларни ва кемасозларни табриклашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига якдиллик билан табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилиш охирида Қизил байроқли Шимол флоти қўшиқ ва рақс ансамбли ҳамда Москва артистларининг иштироки билан катта концерт кўйиб берилди. (ТАСС).

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

ЁШЛАР ҲИММАТИ

Абдурашид отага ёшларнинг жонкуярлиги, ҳар ишга қўл уриши ёқади. У кечки пайтларда чойхонада ўтириб, ёшларнинг суҳбатига қулоқ солади, одамларнинг кўнглидагини билгиси келади.

— Қишлоғимиз кўчаларидан деди ёшлардан бири куйиниб.— Қишда лойга ботасан, ёзда чангга.

— Рост айтасан,— маъқуллади шериги Фарҳод Бозоров, — жонга тегди бу йўллар. Сувсизликдан гиёҳ ҳам битмаяпти. Келинглар, қачонгача шунақа бўлади, деб газетага ёзамиз...

Абдурашид отанинг бу гапдан жаҳли чиқди-ю, лекин кулиб юборди.

— Сиз ёшларга ҳавас қилса арзийди-ю, лекин битта ёмон одатингиз бор,— очиғини айтди оқсоқол. — У ер ундоқ, бу ер бундоқ деб норози бўлаверасизлар-у, ўзларингиз шу камчиликни йўқотиш учун ҳаракат қилмайсиз. Гапларингиз қизиқ, газетага ёзсангиз бирров Галаосиё қишлоғига келиб, йўлларингизни тузатиб кетадими? Мана, ўзларингиз шунақа вақтларда бекор юрасиз. Шунинг ўрнига кўчаларни яхшиласангиз бўлмайдими?

— Мен ишдан бўшамайман, — эътироз билдирди ёшлардан бири.

— Хўш, соат нечада ишдан қайтасиз?— сўради отахон. — Кунига бир-икки соат вақт топа олмайсизми?

— Соат беш-олтиларда қайтаман,— деди қурувчи йигит В. Жамилов. — Сўнг бирор соат дам оламан.

— Чиндан ҳам ишдан кейин ҳаракат қилсак уддалаймиз,—дарҳол масалани тушунди ғишт терувчи йигит Н. Габдурахмонов.

Чойхона ошпази Ж. Сатторовнинг ҳам ғайрати тутиб кетди:

— Менинг ҳам ёрдамлашишга кучим етади.

Абдурашид Сатторов ёшларнинг ниятини район Советининг депутати Содиқ ота Ҳайдаровга етказди. У ҳам ёрдам беришга қарор қилди.

Қишлоқ кексаларидан Раҳмонбобо Раҳимов, Рўзибобо Авазов, Абдурахмон Йўлдошевлар ҳам Абдурашид отанинг таклифини маъқуллашди.

Аму—Бухоро канали ҳали қурилмаган пайтларда йўлдаги бир қанча ариқлар қуриб кетган эди. Маҳаллалардаги хўжаликларда сувсизликдан экин кўкармасди. Канал битгач, унинг сувини қишлоққа олиб келиш мумкин бўлиб қолди.

Кексалар, ёшлар биргаликда Юқори Ғозработ ариғигача бўлган кўчанинг четидаги ариқчаларни тозалашди. Бу —сердарахт, кўкламзор кўча эди. Дарахтларни нобуд қилмаслик учун ариқларни тозалашди.

Ниҳоят, Аму—Бухоро сувини Галаосиё маҳалларигача олиб келишди. Қишлоқдаги беш юз хонадон сувдан баҳраманд бўлиб, ҳовлиларини яшнатиб юборишди. Энди томорқалардаги экинни суғориш учун колхоз билан сув талашиб ўтиришмайди.

Қишда лой, ёзда чанг бўладиган кўчалар ҳам оқшомлари одамлар билан гавжум. Ёшлар енг шимариб, ишга киришдилар.

Район қурилиш бошқармасининг шофери Барот Атоев асосий ишидан ташқари вақтларда Зарафшон қирғоғидан қишлоқнинг Муқимий кўчасига шағал олиб кела бошлади. У тушлик овқат вақтини тежаб, кундузи бир рейс қатнаса, ишдан кейин, машинани гаражга топшириш олдидан яна шағал олиб қишлоққа ташлаб кетади. Шофер В. Спаринов ҳам Атоевдан қолишмай шағал ташиди.

Қарнялар эса кўчаларга тўкиб кетилган шағални ёйиб, текислашди. Пўлнинг қингир-қийшиқ, баланд-пастини тузатишди. Шу йўсинда кўчалар кўркамлашди, қишлоқ ободонлашди. Қишлоқда уч юз жойга водопровод ўтказилди. Мевали дарахтлар, экинлар ҳам яшнаб кетди. Қишлоқда юзга яқин хонадон газлаштирилди.

Аҳолининг куч-ғайрати билан қишлоқда ёзлик кинотеатр қурилди. Энди кишилар аввалгидан ҳам мазмунлироқ дам олишади.

Салқин оқшом, сўлим қишлоқ яшил дарахтларга, гулларга бурканган. Қарнялар, ёшлар қишлоқ чойхонасида давра қуриб, гурунглашиб ўтиришибди.

— Қишлоғимизда заб чиройли кўчалар бор-да,— қувониб гапирди ёшлардан бири. Абдурашид ота йигитнинг бу гапига мароқланиб кулди.

— Ҳа, иш бундай бўлибди. Энди шу хурсандчилигингизни газетага ёзинг...

Биз ўша йигитнинг илтимосини бажардик.

М. МАҲМУДОВ.



Заунгаз Қорақумида Ачоқ табиий газ кони очилди. Бу конда қазилган дастлабки қудуқдан бир кеча-кундузда бир ярим миллион кубометр «зангори ёнилғи» чиқиб турипти. Орол атрофи разведка экспедициясининг геологлари, пармаловчилари ва бошқа мутахассислари янги газ кони запасларини тўла-тўкис аниқлаш ва бу янги ёнилғи манбаини тез орада халқ хўжалигига хизмат қилдириш ниятида баракали ишламоқдалар. Суратда: янги қудуқ деворларини цементлаш пайти.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

«ҲАЛИ ВАҚТ БОР» ЭМИШ!

Йил бўйи мактабларда илм олган ўқувчилар ҳозир пионер лагерларида, қишлоқларда мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар. Ҳадемай улар янги куч билан жонажон мактабларига қайтадилар.

Демак, болалар қайтгунча мактаблар ремонтини тугаллаб қўйиш керак. Афсуски, Сариосиё районида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ниҳоятда суст.

Бу ўқув йилида районнинг «Партия XXIII съезди» колхози территориясида жойлашган 19-ўрта мактабда 649 ўқувчи билим олади. Мактабда ўқишни бир сменада олиб бориш учун 11 та қўшимча синфхона қуриш керак. Қўшимча синфхоналарни қуриш колхозда ташкил этилган ўртоқ Р. Шералиев бошлиқ бригада зиммасига юклатилган. Бироқ, бригада аъзолари мактаб биносини жорий ремонтдан чиқариб берсак ҳам бўлади, деган кайфиятга берилиб, ишни орқага сурмоқдалар. Бригадада 7 киши бор. Қўшимча синфлар учун ҳамма материаллар мавжуд бўлгани ҳолда, иш сира юришмаяпти.

Мактабдаги парта, доска, стол, стул ва бошқа ўқув ашёларини ремонт қилиш ҳам ўлда-жўлда. Бу аҳвол билан мактаб директори ўртоқ А. Мардонов мутлақо қизиқмаётир.

Калинин номли колхоздаги 52-ўрта мактабда иш яна ҳам ачинарли аҳволда. Бизни мактаб директори ўртоқ Б. Қурбонов кутиб олди. «Ремонт ишлари қандай кетяпти?» — сўрадик Қурбоновдан.

— Ҳозирча яхши.

— Неча киши ишлаяпти.

— Икки киши.

— Нега?

— Колхоз правлениеси қолган қурувчиларни кейинроқ юборамиз деган эди, келганича йўқ.

— Қанча парта ремонт қилинди?

— ...

Биз ремонтдан чиқарилган синфларни кўздан кечирдик. Ремонтчи «шоввоз»лар ишни «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида бажаришяпти.

Шунингдек 5, 24, 54-саккиз йиллик мактабларда ҳам ремонт ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳаттс 53-мактабда ремонт ишлари билан шуғулланадиган киши йўқ. Буни кўра-била туриб, район халқ маорифи бўлими (мудири Т. Баҳромов) мактаб директори ўртоқ Жўмаевга меҳнат отпускаси бериб юборди. Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ М. Бўтаев) юқоридаги номлари қайд қилинган мактабларга ремонт учун етарли ишчи кучи, транспорт ва керакли материалларни ўз вақтида етказиб бермаётир.

Райондаги 64 мактабдан энди 8 таси жорий ремонтдан чиқарилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Қурилиши лозим бўлган 103 та қўшимча синфхонадан бирортаси ҳам ҳануз тайёр эмас.

Мактаблар ремонтининг кечикиб кетишига сабаб нима? Сабаб шуки, оталиқ колхоз ва қишлоқ Советлари раҳбарлари мактаб ремонтини жадаллаштириш, қўшимча синфхоналар қурилишини тезроқ битказиш ишига масъулият билан ёндошмаяптилар. Районнинг «Восток» совхозида жойлашган мактабларда ҳам аҳвол худди шундай. Совхоз директори ўртоқ А. Гулов «ҳали вақт бор» деб, ремонт учун қурилиш материаллари ҳамда транспорт ажратмаяпти.

Хуллас, районда мактабларни янги ўқув йилига тахт қилиш ишлари ниҳоятда қониқарсиз даражада. Вақт кутиб турмайди. Мактаб ремонти — ҳаммамизнинг иши. Шундай экан, колхоз ва совхоз раҳбарлари, бутун жамоатчилик мактаблар ремонти ишларини тезлаштиришлари керак.

Б. БОБОҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

КЎЧА ҚАТНОВИДА НАМУНАЛИ ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН

Ўзбекистон пойтахтининг кўчалари ҳеч қачон ҳозиргидек серқатнов бўлган эмас. Қурилиш ишларининг кенг кўламда авж олдириб юборилганлиги автомобиль паркининг кескин суратда кўпайишига олиб келди ва айни маҳалда шаҳарда кўча қатновини тартибга солишни мураккаблаштириб қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш ана шу масалага бағишланди. Кенгашда республика Жамоат тартибини сақлаш министрлигининг, шунингдек Автомобиль транспорти ва тоғ йўллар министрлигининг раҳбар ходимлари, автомобиль хўжаликлари, қурилиш ташкилотлари, коммунал хўжалик корхоналарининг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш министри Х. Х. Яҳёевнинг Тошкентда автомобиль транспорти ва пиёда қатновчилар ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисидаги докладни муҳокама қилдилар. (ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Бетон ва темир-бетондан ясалган қурилиш буюмларнинг сифатини контроль қилмоқ учун Томск политехника институтининг олимлари бетатронни ишлатиб кўрдилар. 15-20 миллион электрон вольтли нурлардан фойдаланилганида энг яхши натижалар қўлга киритилди. Қалинлиги икки метрдан кўпроқ бетон буюмлар сифатини контрол қилмоқ учун эса 25—30 миллион электрон вольт яхши натижа бериши маълум бўлди.

●

Москва радиоэлектроника ва кон электромеханикаси институтида ҳатто энг қаттиқ тоғ жинсларини ҳам енга оладиган МИРГЭН-15 деб аталган аппарат яратилди ва тайёрланди. Бу аппаратнинг ишлайдиган асбоби трансформатордан эҳтиёт қиладиган электродлардан иборат. Электродларнинг тоғ жинсларига ёндошиш натижасида термик кучланиш ҳосил бўлиб, шу туфайли тоғ жинслари ёрилиб кетаверади. Бир кубометр тоғ жинси ярим минутда қизиб, 10-15 минутда парчаланади.

Бу аппарат бакал рудникларида, Михайловский темир руда комбинатида, Оленегорск комбинатида, «Апатит» комбинатида ва Качканарда кенг миқёсда синаб кўрилди.

●

Сумгаит олимлари газ чиқариш ва уни дастлабки ишлашни комплекс автоматлаштиришнинг тажриба системасини ишлаб чиқдилар ва бу системани шимолий Ставрополь газ кони участкаларидан бирида жорий қилдилар.

Телемеханик аппарат газ босими ва сарфланиши тўғрисидаги, технология процессининг бузилганлиги ҳақидаги маълумотни диспетчер пультига оператив равишда бериб туради. Бу янги аппарат икки юзта кон-қудуқнинг ишини айни бир вақтда контрол қилиб туришга имкон бериб туради.

●

Олимлар экспедицияси катта мис кони кашф қилинган Удокан тоғ тизмасининг этакларида номаълум иккита минерал борлигини аниқладилар. Шу минералларда бирини Забайкалье комплекс илмий тадқиқот институти минералогия бўлимининг мудири Г. Юргенсон топди ва бу минералга мирапольскит деб ном берилди. Ёш олим ўз устози — РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби Р. М. Миропольскийнинг хотирасини мана шундай нишонлашга қарор қилди. Иккинчи минералга удоканит деб ном берилди.

(ТАСС).

ИБРАТ

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА

Лектор ўртоқ Т. Отабоев «Коммунизм даврида бизнинг уймиз» деган темада лекция ўқиб бўлгач, тингловчиларни халқ университети қошидаги кўргазмали уйга таклиф этди. Уйни барча тингловчилар кўрдилар.

— Шундай уйни қанча пул билан қуриш мумкин? — сўради машғулот қатнашчиларидан бири.

— 2500 сўм. Ҳозирги вақтда ҳар қандай колхозчи оиласи икки йил мобайнида олган даромади эвазига шундай уйга эга бўлиши мумкин, — деди лектор.

Лекторнинг жавобини колхоз экономист-бухгалтери Хайринисо Шарипова ҳам ҳисоб-китоб қилиб, маъқуллади. Ҳақиқатан ҳам уч хонали бундай уйни колхоз шароитида оз маблағ ва меҳнат билан қуриб олиш имконияти бор.

— Уйдаги жиҳозларнинг нархи қанча туради?

— Кўрдингизки, — деди лектор, — ундаги стол-стуллар, диван, буфет, осма соат, «Рекорд» телевизори унча қиммат эмас, Каравот, шифонер, деводаги гилам ҳам арзон. Уй буюмлари ҳаммаси 900 сўмдан ошмади.

Булунғур районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг ташаббуси билан ташкил этилган коммунистик турмуш маданияти университетида ҳар бир машғулот шундай қизиқарли, жонли ўтказилади. Халқ университетида машғулотларига қатнашаётган 56 тингловчининг кўпчилиги колхозчилар ва механизаторлардир. Икки йиллик программага мўлжалланган бу университетда ҳозирча 11 марта машғулот ўтказилди. Университет совети аъзоси С. Иброхимовнинг «Коммунистик турмуш маданиятининг аҳамияти», колхоз экономисти Ҳ. Шарипованинг «Янгича меҳмон кутиш», район прокурори М. Шамсиевнинг «Социалистик қонунчиликда оила қонуни» деган темаларда ўқиган лекциялари тингловчиларга айниқса маъқул бўлди.

Халқ университети машғулотларига қишлоқ врачи Тўхтахон Аминова ҳам мунтазам қатнашади. «Соғлиқ — умрнинг гарови», «Соғ юрай десанг озода бўл!», «Уйда ёш болаларни тарбиялаш» деган темаларда, хотин-қизлар гигиенасига оид масалалар ҳақида кўплаб лекциялар ўқиди. Колхоз марказидаги ўрта мактаб директори, университет совети аъзоси Ҳалима Ҳабибуллаева ҳам бир неча марта лекция ўқиди.

Университетда олиб борилаётган машғулотлар, кўргазмали ишлар колхозчиларда яхши таассурот қолдиряпти. Университет тингловчилари ўзлари қураётган уйларни худди университет кўргазмасидагидек жиҳозлаяптилар. Улмон Ғаффорова, Барно Маҳмудова, Анзират Аминова, механизатор Дони Бойбўтаев, уста сувчи Очил Эргашев оилалари шулар жумласидандир. Колхозда 1965 йилда 40 хонадон янги типда қурилган уйларини шундай жиҳозлаб, унга кўчиб кирди. Бу йил яна юз колхозчи замонавий уйларга кўчиб ўтади. Университет ташаббуси билан бу йил колхозда «Бахт уйи» қуриш планлаштирилди.

Коммунистик турмуш маданияти университетининг тажриба ва ташаббуси райондаги ва Самарқанд областидаги бошқа жойларда ҳам кенг ўрганилаётир. Бу халқ университети Бутуниттифоқ халқ университетлари кўригида учинчи ўринни олди ва кўрик комиссияси томонидан диплом ҳамда пул билан мукофотланди.

— Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, — деди колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Файзулла Турдибеков, — халқ университети катта роль ўйнамоқда. Машғулотларнинг мазмуни колхозчилар ҳаётига кенг сингиб бормоқда. Колхозчи деҳқонларимиз турмуш маданиятини янада яхшилашга, янгича ишлаш ва ишлашга интилмоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг иккинчи кварталдаги мусобақаси якунлари чиқарилди. Ленинскдаги бинокорлик материаллари заводи ишлаб чиқариш фаолиятида ва республика қурилишларига маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни бажаришда энг яхши натижаларга эришди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари советининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи мукофот шу заводга берилди.

Бекобод цемент комбинати ҳам биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Тошкентдаги учинчи ғишт заводлари бошқармаси ва Чирчиқдаги тўққизинчи ғишт заводлари, Лангар кон бошқармаси ва Жиззах оҳак заводи мукофотларга сазовор бўлдилар. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

КУН ТАРТИБИДА — ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Урганч шаҳар партия комитети пленумида жиноятчиликка ва ҳуқуқ тартибларининг бузилишига қарши курашни кучайтиришда партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди. Докладчи—шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Жабберганов, музокарага чиққан ўртоқлар меҳнаткашларни, айниқса ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, эскилик сарқитларига ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида конкрет фикр, мулоҳазаларни баён қилдилар.

ҚАБУЛ КУНЛАРИ

Янгиариқ районидаги Аваз Утар номли колхоз партия комитети бюроси ҳафтанинг икки кунида қабул соатлари белгилаб, яхши иш қилди. Белгиланган вақт давомида партком секретари О. Мадраҳимов ўз кабинетида бўлади. Шахсий ишлар билан келган кишиларни қабул қилади. Ҳақли талаблар, кўтарилган масалалар тез, оператив ҳал этилади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

⊙ Андижон областидаги колхозлар ўз маблағлари билан 809 та янги мактаб биносини қуриб битказдилар ва эски ўқув биноларига қўшимча хоналар қурдилар. Қариб 9 минг ўрнига мўлжалланган ана шу биноларнинг ярмини қишлоқ болалари туфҳа тариқасида 1 сентябргача оладилар.

Наманган районидаги «Ўзбекистон», Дзержинский номли, Киров номли колхозларда янги мактаб бинолари ҳозирдаёқ тайёр қилиб қўйилди. Бу райондаги қишлоқларда шу ўқув йилидан эътиборан машғулотлар фақат эрталаб бошланади. Москва, Ленин, Андижон районларидаги колхозлар ҳам мактаб қўнғироқлари фақат эрталаб жаранглаши тўғрисида гамхўрлик қилдилар.

⊙ Бобкент районидаги Куйбишев номли колхоз силос бостириш учун маккажўхори ҳосилини областда биринчи бўлиб ўриб-йиғиб олишга киришди. Кўк пояни ўзюрар комбайн ўрмоқда.

Ромитан, Ғиждувон, Бухоро ва бошқа районлардаги колхозлар ҳам силос бостириш учун маккажўхори ўрим-йиғимига киришдилар.

⊙Урганчдаги томоша корхоналари қаторига уч юз томошабин сиғадиган ёзлик «Спутник» кинотеатри қўшилди.

Кинотеатрни шаҳар ёшлари жамоатчилик асосида қуриб беришди. (ЎзТАГ).

УСТОЗ

Унинг таржимаи ҳоли оддий кишиларникига ўхшаш. Лекин бошқалардан кўра кўпроқ қийинчиликларни кўрган, ана шу қийинчиликларда тобланган. Бир ёшидаёқ ота-онасидан етим қолди. Ростовдаги болалар уйида таълим-тарбия олди. Ўн беш йил болалар уйида тарбиялангач, ишлаб чиқариш мактабига кириб, ғишт терувчилик касбини ўрганди. Турли қурилишларда ҳалол меҳнат қилиб, кўпчиликка танилди. Армия ёшига тўлиши билан Ватан хизматига отланди. Орттирган ҳунари бу ерда ҳам қўл келди. Ҳозир у взвод командирининг ўринбосари, айни пайтда моҳир устадир. Армия хизмати давомида 30 дан ортиқ тақдирнома олди.

Меҳнатсеварлиги, тенгқурлари ўртасида катта обрў орттиргани, дўстларга ғамхўрлиги туфайли қисм партия ташкилоти младший сержант Михаил Ляховни улуғ Коммунистик партия сафига қабул қилди. Юксак ишонч уни янги парвозларга қанотлантиради. Тошкентда зилзила бўлганлигини эшитиши биланоқ қўнгиллилар сафида биринчилар қатори жасорат шаҳрига отланди. У раҳбарлик қилаётган ҳарбий қурувчилар ҳозирги долзарб дамларда Сергили массивида жазирама иссиқни писанд қилмай ишлаб, смена топшириғини 170-200 процентдан адо этяптилар.

— Бинокорлар қунигача 34 километр масофада водопровод трубалари ётқизишга аҳд қилганмиз, — дейди Михаил Ляхов. — Ишларнинг ҳозирги бориши мажбуриятимиз шараф билан бажарилишидан далолат бериб турибди.

В. КОРОВИН,

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Поп район маданият уйи ҳузурида ташкил этилган автоклуб пахтакорларга намунали маданий хизмат кўрсатяпти. Автоклубнинг Муҳаммаджон Мақсудов, Гуломжон Турсунов, Зокиржон Саидов, Азизахон Саидова ва Дилорамхон Сатторова сингари ёш санъаткорлари қишлоқ меҳнаткашларини ўзларининг дилрабо қўшиқ ва рақслари билан мамнун этмоқдалар. Улар сўнгги икки ойда дала меҳнаткашларига 70 дан ортиқ концерт қўйиб бердилар.

Т. Маҳмудов.

Тошкентдаги Чилонзор массивининг 15-кварталида тўрт қаватли болалар яслиси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Р. Жуманазаров.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

ЭКОНОМИКАМИЗ

Маълумки, социалистик экономикани муваффақиятли ривожлантириш вазифаси халқ хўжалигининг соҳалари, тармоқлари ва жараёнлари ўртасида маълум нисбатни таъминлашни тақозо қилади. Бу ерда гап энг аввало, техника тараққиётини, жадаллаштириш, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари фаровонлигини мунтазам ўстириш учун мустаҳкам негиз вужудга келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўртасидаги бир-бирига боғлиқ ўсиш тўғрисида кетяпти.

Халқ хўжалик суръатлари ва нисбатлари системасида икки етакчи соҳа — саноат ва қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Шуни айтиш кифояки, инсон ҳаётининг энг биринчи воситаси — озиқ-овқат маҳсулотлари қишлоқ хўжалигида етиштирилади. Бу тармоқ, шунингдек, кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёнинг ҳам кўпгина қисмини етказиб беради. Ўз навбатида ҳозирги замон шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам унинг учун оғир индустрия шакллантириб бераётган техникавий база асосида ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина қисми енгил ва озиқ-овқат саноатида қайта ишланиш даврини ўтганидан кейин истеъмолчиларга етказиб берилаётир. Шу нарса тушунарлики, ана шу тармоқлардан бирортасида йўл қўйилган ўзаро боғланмаганлик ва узилиш бутун ишлаб чиқариш-экономика алоқалари системасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабларга кўра саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда нисбат масаласи жуда кескин масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Партиямиз бу масалага жуда катта эътибор бераётир. Совет саноати йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсмоқда. Айрим қийинчиликларга қарамай, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши ҳам олга қадам ташлади. Шу билан бирга у кўп вақтдан бери аҳолининг ва саноатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Беш йилликлар давомида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бир неча ўн баравар ўсгани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш тахминан 2,5 баравар ўсди. Бундай нисбат, айниқса шу йилларда мамлакат аҳолиси бир ярим баравар кўпайгани ва унинг харид қилиш қобилияти янада ўсганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда вужудга келган диспропорция тўғрисида далолат беради.

Экономикамизда бундай диспропорция содир бўлаётганига ва қишлоқ хўжалигининг қолоқлигига сабаб нима? Социалистик қурилишнинг дастлабки даврида замонавий индустрияни — мамлакатнинг техникавий-иқтисодий базаси ва мудофаа қобилиятини моддий жиҳатдан таъминлайдиган тармоқни вужудга келтириш зарурати туғилиб қолди. Бунга давлатнинг асосий маблағлари сарфланди. Қишлоқ хўжалигининг орқада қолиши, шунингдек, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишда ортиқча маъмуриятчиликка берилиб кетиш ҳоллари, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг жамоат хўжалигини ривожлантиришдан моддий манфаатдорлиги оширилмагани ва иқтисодий ҳамда ташкилий характердаги бошқа камчиликлар билан ҳам боғлиқдир. Энг жиддий камчиликлар шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги учун ишлаётган оғир индустрия тармоқлари суст ривожланди, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши моддий жиҳатдан яхши таъминланмади. Етти йиллик мобайнида қишлоқ хўжалиги учун етарли ҳажмда техника ва материаллар ишлаб чиқарилмади.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми ва партиянинг XXIII съезди қарорларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қолоқликни тезроқ тугатиш ҳаётий зарурат бўлиб қолгани, акс ҳолда бу қолоқлик бутун социалистик экономиканинг олга қадам ташлашига тўсиқ бўлиши мумкинлиги, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларни тўла ҳажмда амалга ошириш имконини бермаслиги мумкинлиги таъкидланди.

Советлар мамлакати халқ хўжалигидаги нисбатни тўбдан яхшилаш учун бутун барча шарт-шароитларга эгадир. Мамлакатимизда меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини бевосита қондиришга даъват этилган ишлаб чиқариш тармоқларини тезроқ ривожлантириш имконини берадиган қудратли ишлаб чиқариш кучлари мавжуддир. Халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ҳозирги даража истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатларини жиддий ошириш, бу суръатларни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларига яқинлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни тезлаштириш, уни саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари билан яқинлаштириш имконини беради.

Шунга кўра янги беш йилликда халқ хўжалигида нисбатларни жиддий суратда ўзгартириш, маблағларни кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўпроқ сарфлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга алоҳида аҳамият бериш мўлжалланмоқда.

Хўш, конкрет рақамларга назар ташлайлик!

Янги беш йиллик топшириқларининг асосий кўрсаткичларини ўтган беш йилликда эришилган натижалар билан солиштириб кўрайлик. 1961—1965 йилларда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси)нинг ўртача йиллик ўсиши 9,6 процентни ташкил этган бўлса, янги беш йилликда бу рақам 8,7 процентни ташкил этади. Лекин шу билан бирга истеъмол моллари ишлаб чиқариш («Б» группаси) 6,3 процентдан 7,7 процентга етади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг ўсиши истеъмол моллари ишлаб чиқаришга нисбати 1961—1965 йилларги 1,52:1 дан 1966—1970 йилларда 1,13:1 гача камаяди. Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий суръати бир хил даражада (8,3 процент) сақланиб қолгани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 2 процентдан 4,6 процентга етади. Шундай қилиб, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари бир-бирига бирмунча яқинлашади. Агар 1961—1965 йилларда уларнинг ўзаро нисбати 4,15:1 бўлган бўлса, янги беш йилликда бу нисбатни 1,8:1 га етказиш мўлжалланмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Унга эса ишлаб чиқаришнинг

«Совет Ўзбекистони»

рейди

ҚУРУҚ ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС...

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

Ленин орденли Бухоро области деҳқонлари бу йил пахта ҳосилининг анчагина қисмини машиналар билан теришга аҳд қилишган. Областда қариб 50 минг тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар билан териб олиш мажбурияти қабул қилинди.

МАШИНАЛАР ЎЛДА-ЖЎЛДА

Навоий районидаги «Нарпай» совхозида терим агрегатлари сифатли ремонтдан чиқарилянти. Т. Мустафоев, Ф. Жўраев каби «пўлат от» чавандозлари ўзларига бириктирилган участкалардаги экинни меҳр билан парваришлаб, мўл ҳосил тўплашда ҳам бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Қўшни «Гигант» совхозида аҳвол ночор. Совхоз устахонасида терим машиналари қисмларга ажратилган ҳолда очиқ ҳавода сочилиб ётибди.

— Бу қанақа машиналар?

— Эскирган «ХВС»ларни «списать» қилдик, — дейди совхоз директори М. Нуриддинов, — тўрт йилдан буён жойимизни банд қилиб турибди...

Маълум бўлишича, совхоз маъмурияти 3 та «ХВС-1,2» терим агрегатини «рўйхатдан ўчириб» йўқ қилиб юборган. Агрегатлар совхозга келтирилгандан буён атиги 170 тоннадан пахта терган, холос!

«Гигант» совхозида терим машиналарнинг ремонти ҳам талабга жавоб бермайди. Бундай аҳволни райондаги «Москва», «Қизил Ўзбекистон», Свердлов номли колхозларда ҳам учратиш мумкин.

«Узсельхозтехника» район бирлашмаси (бошлиғи Ўртоқ Т. Алимов) устахоналарида 149 та «ХВС-1,2» терим машинасидан ҳозиргача атиги 57 таси ремонт қилинган.

Ромитан районида машина теримига тайёргарлик бундан ҳам баттар. Район устахоналаридаги 126 терим агрегатидан ҳозиргача 29 таси ремонт қилинган. «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи Ўртоқ К. М. Ли биз билан суҳбатда «терим машиналарининг ремонтини тезлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди, энди ремонт юришиб кетади», деди. Аслда ишлаб чиқилган «тадбирлар» амалда бажарилмаётир.

Когон, Вобкент, Бухоро районларида пахта териш машиналарининг ремонти гоят сust олиб борилаётир. Областда бу йил 650 та «ХВС-1,2», 918 та «ХТ-1,2» маркали терим агрегатлари ремонтдан чиқарилиши керак. Запас қисмлар етишмаётгани сабабли мавжуд терим агрегатларининг ремонти пайсалга солинаётир. «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси Бухоро областидаги мавжуд терим агрегатлари учун эҳтиёт қисмлар юборишни таъмин этмаяпти.

ҚАИДАСИЗ, ҚИЗЛАР

Машина теримининг муваффақияти кўп жиҳатдан механик-ҳайдовчи кадрларга боғлиқдир. Машҳур механизатор Мамажон Дадажоновнинг хатида таъкидланганидек, «энг зарури механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишга зўр беришлик. Мен мавсум бошлангунча камида 4-5 та шогирд тайёрлайман. Шу билан бирга бригадамиз ҳузурида очиладиган 40 кунлик курсда 40 та механик-ҳайдовчига ўз касбимни ўргатаман, бошқалар ҳам шундай қилишса, яхши бўлур эди». Мамажон Дадажоновнинг қимматли ташаббусига қўшилган ҳар бир механизатор шундай қилиши керак. Аммо Бухоро область колхоз ва совхозларида меҳнат қилаётган механик-ҳайдовчиларнинг шогирдлари жуда кам.

— Мен бир нарсага ачинаман, — дейди Вобкент районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси М. Қандова, — областимизда хотин-қиз механизаторлар сони (мен ишлаётганларни кўзда тутамач) йил сайин камайиб кетмоқда.

— Яхши ният билан механизация мактабини битирган эдим, — дейди Ромитан районидаги Гагарин номли колхоз аъзоси Ҳурмат Раҳматова, — дастлаб раисимиз Асад Оргиқов мени бригадир қилиб қўйди. Лекин, амалда яхши ёрдам бермади. Ҳозир оддий колхозчиман...

«Ромитан» совхозидаги, Ғиждувон районидаги ҳамда Навоий ва Бухоро шаҳарларидаги механизация мактабларини ҳар йили ўнлаб хотин-қизлар аъло баҳоларда битириб чиқмоқда. Афсуски, уларнинг жойларда унумли ишлашлари учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари етарли гамхўрлик қилмаётирлар. Оқибатда айрим механизация мактабларига ўрта мактабни битирган қизлар бормай қўйган.

ҒЎЗА МАШИНАБОП БЎЛСИН

Машина теримига яхлит, текис карталар ажратилиши, ғўзани машинабоп қилиб ўстириш лозим. Область колхозларида 48 минг гектарга яқин майдондаги пахта машинада терилиши керак. Қатор колхозларда машина теримига майдон ажратилиб, акт тузилган бўлса ҳам бригада бошлиқлари, механизаторлар қайси даладаги ҳосил машинада терилишини билишмайди. Карта четларига тахтачалар қоқилмаган, белгилар қўйилмаган.

Вобкент районидаги «Қизил байроқ» колхозида қайси карта машинага ажратилгани маълум эмас.

— Саккизта терим машинамиз бор. Яна иккита янги терим машинаси сотиб оламиз, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Ҳ. Маҳмудов, — бор-йўғи 290 гектар ернинг пахтасини машинада теришимиз керак. Йигирма-терим бошланганда қаеринг ҳосилини машинада териш ўзўзидан маълум бўлиб қолади...

Кўриниб турибдики. «Қизил байроқ» колхози 10 та «зангори кема» билан 300 тонна ҳосилни териб олмоқчи. Машинанинг ҳосиятига хўжалик раҳбарлари баҳо бермаётгани билиниб турибди. Шу райондаги Ильич номли колхоз (раиси Ўртоқ Қ. Абдуллаев)нинг Н. Нуралиев, Ж. Ибосаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида машина теримига тут дарахтли, кичик, ноқулай карталар ажратилган.

«Когон» совхозида ҳосили машинада териладиган майдонлар ҳалигача бегона ўтлардан тозаланмаган Ғиждувон районидаги «Бухоро», «Партия XXII съезди», Бухоро районидаги «Ленинград», «Правда», Энгельс номли колхозларда ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга етарли эътибор берилмаётир.

Умуман, Бухоро областида машина теримига ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриш ва бу соҳадаги белгиланган планни муваффақиятли бажариш учун зарур чораларни кўриш даркор. Акс ҳолда бу йил ҳам машина терими плани барбод бўлиши мумкин.

Ю. ҚУРБОНОВ, — область комсомол комитетининг секретари.
М. ФУЗАИЛОВА, — Ромитан районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи.
Т. НАЗИРОВ, — «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИНГ!

Узбекистон ССР районларида 1966 йил 30 июлга қадар дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришнинг бориши тўғрисида МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — область ва районлар; иккинчи стун — тайёрланган дағал хашак; учинчи стун — силос бостириш.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ	57,9	14,4
Оқиўрғон	53,1	49,3
Бекобод	28,2	1,9
Бўка	57,9	7,1
Юқори Чирчиқ	63,8	25,8
Калинин	49,6	1,9
Оржоникидзе	75,8	1,9
Урта Чирчиқ	49,4	14,7
Янгийўл	77,4	11,9
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ	64,6	10,8
Боёвут	80,9	11,6
Гулистон	42,9	8,2
Еттисой	53,8	13,2
Жиззах	62,3	9,9
Зомин	64,5	37,2
Киров	66,4	4,3
Пахтаорол	73,6	0,3
Сирдарё	61,5	9,3
Фориш	75,9	—
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ	29,0	5,2
Олтиариқ	38,2	2,6
Охунбобоев	27,9	5,4
Бағдод	18,5	0,4
Киров	21,7	3,5
Қува	38,7	3,4
Ленинград	52,3	16,2
Поп	23,9	8,2
Узбекистон	21,4	5,0
Фарғона	28,8	1,9
АНДИЖОН ОБЛАСТИ	46,9	7,0
Андижон	44,0	10,2
Балиқчи	49,2	2,9
Бўз	47,3	0,6
Задарё	25,0	6,7
Избоскан	61,1	15,0
Қўрғонтепа	45,0	0,04
Ленин	42,9	13,9
Москва	53,2	12,3
Наманган	40,4	14,4
Учқўрғон	46,2	4,3
Хўжаобод	54,4	0,7
Чуст	41,5	2,2
Янгиқўрғон	46,7	7,7
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ	39,8	3,6
Булунғур	46,1	1,5
Ғаллаорол	40,6	21,0
Иштихон	37,0	—
Каттақўрғон	33,9	0,7
Нарпай	27,3	3,8
Нурота	33,4	1,5
Пайариқ	59,0	4,7
Пастдарғом	30,5	2,8
Самарқанд	56,6	0,6
Ургут	56,6	1,4
Хатирчи	39,8	—
БУХОРО ОБЛАСТИ	22,2	3,9
Бухоро	29,1	3,2
Вобкент	21,7	5,2
Ғиждувон	18,7	6,9
Когон	20,7	1,3
Қорақўл	22,4	0,1
Қонимех	68,8	—
Навоий	21,6	5,6
Томди	5,0	—
Ромитан	24,5	2,4
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ	24,8	14,9
Ғузор	21,6	6,9
Қарши	13,5	8,4
Косон	17,9	18,6
Қамаши	26,1	5,2
Чироқчи	31,8	7,4
Шаҳрисабз	28,8	20,4
Яккабоғ	36,2	23,4
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ	41,1	32,4
Бойсун	45,1	39,1
Жарқўрғон	43,6	36,0
Сариосиё	38,0	36,1
Термиз	61,8	36,8
Шеробод	32,2	20,2
Шўрчи	39,4	34,6
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ	17,3	—
Гурлан	9,5	—
Урганч	10,9	—
Хива	17,5	—
Ҳазорасп	27,7	—
Шовот	16,9	—
Янгиариқ	17,6	—
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР	9,0	—
Тўртқўл	3,4	—
Беруний	6,2	—
Амударё	3,9	—
Хўжайли	7,9	—
Қўнғирот	6,9	—
Когайли	8,4	—
Чимбой	16,4	—
Тахтакўпир	17,4	—
Мўйноқ	2,3	—
Нукус	8,8	—
Узбекистон ССР бўйича	34,3	8,5

Изоҳ: Айрим районларда маълумотлар аниқланган.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажоновнинг «Механизатор, жасорат кўрсат», деган оташин чақириғига Бағдод районидаги «Победа» колхозининг дала гвардиячилари ҳам «лаббай, биз ҳам албатта жасорат ва матонат кўрсатамиз!», деб жавоб бердилар. Улар бу йил 550 гектар майдондаги ғўзани «зангори кема»лар териб олишга аҳд қилдилар. Айни кунларда машина теримига ажратилган ғўзалар тўртинчи комплекс парвариш қилинаётир. Экин баравж ўсиб, ҳосил тугунчалари кўпаймоқда. Умар Мамадинов, Алиқон Турғунов, Халил Камолов, Мадиёр Усмонов каби ўнлаб моҳир механизаторлар бу йил «пўлат этак»лар билан 100 тонна ва ундан ошириб дурдона териш иштиёқида мамажончасига астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Колхозимизда Мамажон Дадажоновнинг ташаббуси кенг қулоч ёйди, — дейди правление раиси Нурматжон Тўрақулов, — беш йилликнинг тўғиғ йилида 910 тонна ўрнига 1000 тонна «оқ олтин»ни машиналарда териб олиш мажбуриятини қабул қилдик. Бунинг учун мавжуд 9 та «зангори кема»нинг ремонтига киришилди. Шундан 3 таси сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга шайлаб қўйилди. Қолганлари ҳам 15 августгача тахт қилиб қўйилади.

Янгидан битта «ХТ-1,2» терим агрегати сотиб оламиз. Ҳар бир агрегатга 2 кишидан механик-ҳайдовчи тайёрлаймиз.

Н. РАУФЖОНОВ.



Тошкент трактор йиғув заводи бош конвейеридан ҳар куни кўплаб машиналар тушиб турибди. Улар ғўза қатор ораларини ишлашда пахтакорларга кўл келмоқда. Суратда тайёр машиналарни кўздан кечириб жўнатишга ҳозирлаётган корхона ходимларидан Г. Тайзиддинова, Э. Плетенецкий, Н. Штикалин ва Е. Вожжова ўртоқларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Рашид Нуралиев бошлиқ бригадасида ғўзалар кунда бир яшнамоқда. Культивация ва суғориш, «шарбат» оқизиш бир-бирига боғлаб олиб бориляпти.

М. ҚОДИРОВ.

ДЕНОВ. Ленин орденли Назиртош Тўраев бошлиқ бригада Денов районидаги Калинин номли колхозда пешқадамлик қиляпти. Ҳозиргача тўрт марта парвариш қилинган ғўзаларнинг ҳар тупида 3-4 тадан тўқ кўсак санаш мумкин.

К. САИДОВ.

САМАРҚАНД. Пастдарғомдаги «Комсомол» колхозининг Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Гулжаҳон Хушвақтова бошлиқ бригадаси далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Барваста ғўзаларнинг ҳар тупида 2-3 тадан бўлиқ кўсак, 5-6 тадан гул борлиги бунга гувоҳдир.

Р. СУЛТОНОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Тўртқўл районидаги Димитров номли колхозда Мамажон Дадажонов издошлари кўпайиб бормоқда. Илғор механизаторлардан Худойберган Машарипов, Дурди Норимов ва бошқалар Дадажонов изидан бориб, ғўзани машинабоп қилиб ўстиряптилар. Механизаторлар ўз агрегатларини мавсумга шайлаб қўйишди.

Ш. ҲУСАНБОЕВ, С. УМАРОВ.

СУРХОНДАРЁ. Термиз районидаги Карл Маркс номли колхозда тўртинчи парвариш қизғин давом этмоқда. Илғор механизаторлардан Давлат Қурбонов, Норқул Шомуродов, Эшпўлат Ҳакимов, Рўзибой Тўраев ва бошқалар культивация нормасини ошириб бажариш билан бирга, ишнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор беришяпти. Натижада ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда.

Т. УБАЕВ.

АВГУСТДАГИ ИШЛАР

ВИЛЬТНИ ЙЎҚОТИНГ

Вильт — зararли касаллик. У айниқса август ойида ғўзаларда кўп тарқалиши ва ҳосилнинг анча қисмига зарар етказиши мумкин. Шунинг учун август ой давомида ғўза парваришида барча агротехника тадбирларини бир-бирига маҳкам боғлаб ўтказмоқ керак. Шу тадбирларнинг ўз муддатида амалга оширилиши вильт касаллиги кенг тарқалган далаларда катта аҳамиятга эгадир. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ғўзаси вильт касаллигига чалинган участкаларда 20-25 процент майдондаги ҳосил нобуд бўлиб кетиши мумкин. Вильт касаллиги айниқса июль-август ойларида кўпайиб, тез тарқалади ва ғўзаларни ночор қилиб қўяди. Шунга кўра, унга қарши курашни ҳар томонлама кучайтириш керак.

Вильт касаллигини қўзғатувчи замбуруғ ғўза тупларига шикастланган илдизлар орқали ўтади. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш даврида культиваторларнинг пичоқ-панжаларини тўғри ўрнатиш керак. Акс ҳолда бу пичоқ-панжалар ғўза илдиз системасини шикастлантириши мумкин. Бу эса вильт замбуруғининг кириши учун имкон туғдиради ва вильт тез тарқалиб кетади.

Қатор ораларини ишлаш вақтида ғўза илдизларини шикастлантирмаслик учун культиваторнинг ишчи органларини тўғри ўрнатиш лозим. Эгат ўртасини юмшатадиган пичоқ-панжалар чуқурроқ, яъни 14-16 сантиметр, ғўза тупларига яқин пастки юмшатгич органлари эса саёзроқ — 5-7 сантиметрга ботадиган қилиб мослаштириши лозим.

Қатор ораларини культивация қилиш, чопиқ ўтказиш ва бошқа ишларни бажаришда кўчатлар сонининг камайиб кетишига мутлақо йўл қўймаслик керак. Чунки ғўза қанча қалин бўлса, у вильт касаллигига шунча чидамли бўлади. Ҳар гектарда 100-110 минг тўп ниҳол бўлганда бундай участкаларга вильт жуда кам тарқалади. Аксинча, кўчат қалинлиги жуда сийраклашиб кетган тақдирда вильт кўпаяди, айрим карталарда ғўзалар ёппасига касалланиши турган гап.

СоюзНИХИда ўтказилган кўп йиллик тажрибалар яна шуни кўрсатдики, кўчат қалинлиги нормал бўлган ва культиватор ишчи органлари тўлиқ мослаштириб, қатор оралари ишланган участкаларда ғўзаларнинг вильт билан касалланиши бир яримдан-икки баравар камаяди.

Вильт замбуруғининг ғўза танасига кириб олишида тупроқ намлиги катта роль ўйнайди. Тупроқни ҳаддан ташқари намиқтириб юбориш ва керагидан ортиқча суғориш вильтни кўпайтиради. Шунинг учун ҳам вильт касали кўп тарқалган участкаларда суғориш сони ва сифатига алоҳида аҳамият бериш талаб қилинади. Суғориш тупроқ шароитига қараб ғўзанинг нормал ривожланишини таъминлайдиган қилиб олиб борилади. Тупроқнинг ҳаддан ташқари намиқиб кетишига йўл қўймаслик учун, банобарин, вильт тарқалишининг олдини олиш мақсадида ғўзани эгат оралатиб суғорган маъқул. Бунда тупроқнинг ҳарорати кескин камайиб кетмайди, аксинча вильт кўплаб тарқалмайди.

Вильт тушган далаларда ғўзани суғоришни ер ости сувлари яқин бўлган жойларда август ойининг охирида, ер ости сувлари чуқур жойлашган пайкалларда эса, 5-10 сентябрда тўхтатиш тавсия қилинади. Шундай қилинганда тупроқда вильт запаси камаяди. Натижада янги йили ғўзаларнинг вильт билан касалланишининг олди олинади.

Вильтни юқтирувчи замбуруғлар фақат ғўзанигина касаллантириб қўймай, шу билан бир қаторда, кўпгина бошқа ўсимликларга ҳам зарар етказиши мумкин. Айниқса бегона ўтлар ҳар қандай касалликларни тарқатувчи манба ҳисобланади. Шундай экан, пахта далаларини бегона ўтлардан тоза тутиш вильтни камайтиришда муҳим ўрин тутажаги ўз-ўзидан маълумдир.

Вильтга қарши курашда агротехника тадбирларига тўла амал қилиш керак. Август ойининг иккинчи ярмида ғўза қатор ораларига жавдар ёки вика (ёввойи нўхат) экиб, уларнинг пояларини баҳорда кук ўғит сифатида ҳайдаб юборган маъқул. Бундай қилиниши тупроқни органик моддалар билан бойитади. Шу билан бирга, кейинги марта экилган ғўза серҳосил бўлиб, гектаридан 3-5 центнер кўп пахта олинади. Шуниси диққатга сазоворки, ғўзаларнинг вильт билан касалланиши ҳам 30-35 процент камаяди.

Пахтакорлар ҳаётида энг муҳим ва ҳал қилувчи дамлар бошланди. Август ойи давомида ҳосилга янада кўпроқ ҳосил қўшиш, кўсакларни тўла етилтириб олиш керак. Бунинг учун ғўза парваришини сира бўшаштирмаслик лозим. Айниқса вильтни йўқотиш — ҳосилдорликни оширишнинг муҳим тадбирларидан бири эканлигини унутмаслик зарур.

М. ЮНУСОВ,
СоюзНИХИ илмий ходими, биология фанлари кандидати.

ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЙЎНАЛИШИ

техника билан қуролланиш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришга янги техникани жорий этиш ва уни тараққий эттириш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириши кенг қўлланиш асосида эришилади.

Биринчи қарашда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш суръатларини нисбатан камайтириш саноат, қишлоқ хўжалиги ва экономиканинг бошқа тармоқларини техника билан қуроллантириш даражасига албатта салбий таъсир кўрсатадигандай туюлади. Бироқ, янги беш йилликда бу камайиш оғир индустрия маҳсулотлари сифатини яхшилаш, унинг унумдорлигини ошириш, машиналар ва ускуналар, турли материаллар, ёнилги, электр қувватидан фойдаланишни яхшилаш каби омиллар ҳисобига қопланиб кетади.

Экономикани социалистик планлаштириш шароитида оғир ва енгил индустрия, саноат ва қишлоқ хўжалиги бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилмайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари ва соҳалари бир-бири билан чамбарчас боғланган, улар бир-бининг ривожланишини тақозо қилади. Совет халқи оғир индустрия ютуқларига таяниб, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга ошира бориб, ўз куч-ғайратларини истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатини тезлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги қолоқликка барҳам бериш, унинг ўсиш суръатларини саноатнинг ўсиш суръатлари билан яқинлаштиришга сафарбар этмоқда. Албатта шу билан бирга экономиканинг барча тармоқларида техника тараққиёти даражасини оширишнинг негизи бўлган оғир саноатни янада ривожлантириш масалалари кун тартибидан олиб ташланмайди. КПСС XXIII съездига қилинган ҳисобот докладида партия бундан кейин ҳам оғир индустрияни тез суръатлар билан ривожлантириш, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш суръатини тезлаштириш йўлидан борада, деб таъкидлаб ўтилди.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг юксак муттасил суръатларига эришиш янги беш йилликдаги мураккаб вазифалардан биридир. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Қишлоқ хўжалиги қолоқ тармоқлардан бири бўлиб келди ва қўшимча ресурсларни ишга солишга, социалистик халқ хўжалигининг илғор тармоқларидан бири — саноатнинг ёрдамига муҳтождир.

КПСС XXIII съездининг резолюциясида шундай дейилади: «Ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш ва химиялаштиришнинг мустаҳкам негизида қишлоқ хўжалигини муттасил интенсивлаштириб бориш, шунингдек табиий шароитлари ноқулай бўлган зоналарда мелиорацияни ривожлантириш — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўлидир». Шундай қилиб съезд қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун индустрия томонидан яратиладиган зарур моддий-техника негизларни янада кенгайтириш кераклигини кўрсатиб ўтди.

Ҳозирги замон шароитида қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш жиҳатидан саноат даражасига етказиш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда. Шу мақсадларда янги беш йилликда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағни деярли икки баравар (умуман халқ хўжалигига капитал маблағлар сарфлаш бир яримдан баравар кўпаяди) кўпайтириш мўлжалланмоқда. Саноатда асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,6 баравар ўсгани ҳолда қишлоқ хўжалигида 1,9 баравар кўпаяди. Беш йиллик давомида қишлоқка тракторлар, юк автомобиллари, қишлоқ хўжалик машиналари кўп етказиб берилади. Қишлоқ хўжалигида электр қувватини истеъмол қилиш уч баравар ошади. Икки баравар кўп минерал ўғитлар етказиб берилади.

Агар тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва ерларни мелиорациялаш ишларини кенгайтириш вазифалари бажарилмайдиган бўлса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника билан қуроллантиришни ўстириш зарур самара бермайди. Далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга туртки бўлмайди.

Партия XXIII съезди томонидан қўйилган вазифаларга биноан КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ана шу проблемаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган масалани муҳокама қилишга бағишланди. Пленум томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, электрлаштириш ва химиялаштириш билан бирга ерларни суғориш ва захили кетказиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак ва муттасил суръатлари таъминланади ва у саноатнинг ривожланиш суръатлари билан яқинлашади.

Мелиорация қурилиш программаси ва тупроқ ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалигига қудратли тракторлар, ер қазиш ва юксак унумли қурилиш техникаси комплекси ва бошқаларни етказиб беришни тақозо қилади. Бу техникани социалистик саноат етказиб бериши керак; пировардида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарётган тармоқларнинг ишига боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш саноат ишига таянган ҳолда олиб борилади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги экономиканинг бошқа тармоқларининг ўсишига ва меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг оширишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун муттасил хом ашё базаси яратиш, истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш ва уни ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш суръатлари билан яқинлаштириш ҳар жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ҳам боғлиқдир.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиши, халқ хўжалигидаги нисбатларнинг ўзгариши ва такомиллашиши, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантириш даражасининг ошиши ва ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши бизнинг жамиятимизда халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда. У меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Янги беш йиллик план кўрсаткичлари тўғрисида фикр юритар эканлар, совет қишлоқлари уларнинг бажарилиши коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда муҳим давр бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

А. КОРЯГИН,
иқтисод фанлари кандидати.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш ем-хашакнинг мўл-кўллигига боғлиқ. Буни яхши тушунган илғор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, барча чорвадорлари ҳар йили кўпроқ ем-хашак жамғаришга эътибор бередилар.

Беш йилликнинг дастлабки босқичида мамлакатга кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган республикамиз меҳнаткашлари мумкин қадар кўпроқ ем-хашак тайёрлаш учун курашмоқдалар. Кўпгина илғор хўжаликлар, чўпончи, Сирдарё областидаги «Қизилқум», Бухоро областидаги «Қонимех», Қашқадарё областидаги «Нишон» совхозлари, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ғузор районидаги Карл Маркс номли, Жиззах районидаги «Москва» колхозлари далалардаги табиий ўтларни ўриб-йиғиб олишни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар ва моллар учун кўп миқдорда ем-хашак жамғармоқдалар. Ем-хашак жамғариш айниқса Оржоникидзе, Боёвут, Хўжаобод, Термиз районларида яхши бормоқда.

Бироқ, республикамиздаги кўпгина хўжаликларда ем-хашак тайёрлашга жиддий аҳамият берилмаётир. Айниқса маккажўхори парваришини яхшилаш ва ундан кўплаб силос бостириш талабга жавоб бермайди. Калинин райони силос бостириш планини эпди 1,9 процент, Пахтаорол райони 0,3 процент, Бағдод райони 0,4 процент, Қўрғонтепа райони 0,04 процент, Каттақўрғон райони 0,7 процент, Бўз райони 0,6 процент адо этдилар. Бу районларда дағал хашак ўриш ва ғарамлаш ҳам қониқарсиз бормоқда.

Айрим хўжаликларда, масалан, Пахтаорол районидаги Обой номли, Қарши районидаги Энгельс номли колхозларда, Қашқадарё областидаги «Қорақум» давлат наслчилик заводининг баъзи фермаларида дағал хашак тайёрлаш устидан контроллик ўрнатилмаган, хашак жамғарувчи бригадалар яхши ишламаётирлар. Хўжаликларнинг раҳбарлари эса бу ишни ферма мудирларига топшириб қўйиш билан кифояланиб қолмоқдалар.

Республикамиз бўйича дағал хашак тайёрлаш плани 34,3 процент, силос бостириш плани эса 8,5 процент бажарилди. Бу бизни мутлақо қаноатлантира олмайди. Чунки, далаларда пичан кўп, маккажўхорини ва бедани яхши парвариш қилаётган хўжаликларда ҳамма имкониятлар бор. Вазифа шу кунларнинг ҳар бир дақиқасидан мақсадга мувофиқ фойдаланиб, чорва моллар учун кўпроқ ем-хашак жамғаришдан ва қишловга пухта тайёргарлик кўришдан иборат бўлмоғи керак. Бунинг учун ишчи кучларидан, трактор сенокосилкаларидан, транспорт воситаларидан ўз ўрнида фойдаланиш, хашак тайёрлаш устидан раҳбарликни кучайтириш талаб этилади. Шундай қилинса хашак тайёрлаш сўръатини кескин ошириш мумкин.



О Т А

А. Тўраев фотоэтюди.

«УЭМБЛИ»ДА МОМАҚАЛДИРОҚ

ЛОНДОН. 30 июль. (ТАСС махсус мухбирлари **С. Иванов, А. Качалов, Н. Киселев**). Синоптиклар момақалдироқ бўлади деб хабар бердилар. Кундузи чошгохда осмонни қора булутлар қоплаб олди. «Ресторан» деб дабдабали ном берилган матбуот ложасида чироқларни ёқиб қўйишга тўғри келди. (Биз ойнавонли айванда ўтирибмиз, лекин бу ерда ҳатто иссиқ кофе ҳам йўқ). Иккинчи тайм бошланганида бир оз жала ёғди. Аммо, сурон ҳавода бошланмади, балки «Уэмбли» стадионининг кўк майсазор майдонида бошланиб кетди. Бугун бу майдонда ўтказилаётган жаҳон чемпионати финалида Англия билан Германия Федератив Республикасининг футболчилари учрашдилар.

Бу матчда футбол тожининг илгариги соҳибларига хос назокат ёки венгерларнинг кўркам жонкуярлиги бўлмаган бўлиши мумкин. Лекин уч ҳафта давом этган турнирда трибуналарни биринчи марта лиқ тўлдириб ўтирган юз минг томошабин ҳақиқий улкан футбол қанақалигини кўрдилар ва бу ўйиннинг гаштини сурдилар. Бу ўйинда футболчиларнинг эўр ғайрати ҳам, уларнинг суръатли ҳужумлари ҳам, тўпни бир-бирларига аниқ тепиб беришлари ҳам, мудофаанинг мустаҳкамлиги ҳам намойиш қилинди. Аммо мудофаа ҳар қанча мустаҳкам бўлса ҳам, уни ёриб ўтишга муваффақ бўлинди.

Дастлаб майдон эгаларининг дарвозалари олдида хавф пайдо бўлди. Илгари лат еган, аммо эндн тузалиб қолган Гривск ҳақида журналистларнинг актив иштироки билан узоқ мунозаралар давом этган бўлса ҳам, аммо Рамсей уни шу қадар масъулиятли матчга киритишга журъат қилолмади. Қизил-оқ футболчилар (бугун инглизлар майдонга шундай формада чиқишди) ўткир ҳужумлар қилишдан воз кечгандек бўлиб кўринган эдилар. Ўйиннинг тўққизинчи минутида рақибларнинг дарвозабони Тйлковски йиқилиб, ерга чўзилиб қолганида инглизлар судья Динст (Швейцария) ҳуштак чалиб ўйинни тўхтатгунча қирқ секунд чамаси бўш қолган дарвозага тўп киритишлари мумкин эди. Аммо ўйиннинг 12-минутида эса ҳисобни Германия Федератив Республикасининг футболчилари очди. Уларнинг ўйинчиси Халлер тўпни штраф майдонидан тўсатдан пастлаштириб тепганида унинг олдида турган уч ҳимоячи, ҳатто дарвозабон Бенкс ҳам буни пайқамай қолишди. Бу — инглиз терма командасининг дарвозасига шу чемпионатда ўйинда урилган биринчи тўп бўлди ва майдон эгалари ҳисобни тенглаштириш учун ҳаракат қилишга биринчи марта мажбур бўлдилар.

Шундай бўлса ҳам инглизлар бўш келмади. Ғарбий Германиянинг ярим ҳимоячиси Оверат икки марта кўполлик қилганидан кейин майдон эгаларининг бош диспетчери Бобби Чарльтон штраф тўпи тепди. Бу тўп ўиг томонга узоқ масофадан тепилди, шу пайтда штраф майдончасига югуриб келиб қолган Хэрст дарров бу тўпни рақиблар дарвозасига бошқа билан киритди. Ҳисоб 1:1.

Умуман бу ҳол энди традиция бўлиб қолмоқда деса бўлади. Жаҳон футбол фестивали финалида ютиб чиқмоқ учун дастлаб ютмоқчи бўлган команда ўз дарвозасига рақибларнинг тўп киритишга йўл қўйиб бериши керак бўлиб қолди, дейиш мумкин. 1954 йилда ҳам, 1958 йилда ҳам, 1962 йилда ҳам ўйинда мағлуб бўлган командалар биринчи бўлиб ҳисоб очган эдилар.

«Уэмбли» эҳтиросларнинг қайнаб турган қозонига айланди. Ватандошлар ўз севикли футболчиларини қийқириб қувватлаб туришди (стадионда инглиз футболчиларини қуватлаётган ватандошлар кўплиги табиий, аммо Германия Федератив Республикасидан матчга келган ишқибозлар ҳам кўп эди — минглаб турист эа 180 журналист келган эди). Ҳар иккала команда ҳам ҳозир кўп қўлланилаётган тактика — 4+3+3 схемасига амал қилди. Аммо, бу схема ўйинчиларнинг ҳужумкор ғайратини бўшаштиргани йўқ. Немислар ҳам, инглизлар ҳам мисли бўлмаган даражада ҳаракатчанлик кўрсатдилар; улар ҳужум даф қилиниши билан дарҳол орқага қайтиб турдилар. Улар яна комбинацилар бошлаб, бу комбинациялар майдон марказида бироз суст-роқ бўлса ҳам, аммо дарвозаларга яқинлашган сари суръат тезлашаверди. Ўйин, афсуски, кескин тус олаверди. Судья ўйинчилар эҳтиросини қийинчилик билан тийиб турди. Ўйиннинг 78-минутида инглизларнинг чап қанот ҳужумчиси Питерс дарвозабон майдончасига ёриб кириб, тўп киритиш билан ўз командасини олдинга олиб чиқди.

Энди Германия Федератив Республикасининг футболчилари бутун команда билан олга интилдилар. Ниҳоят, ҳимоячи Вебер ўзининг ҳужумчи шериклари қилолмаган ишни (чунки вақт жуда оз қолган эди) амалга оширди. Ҳисоб 2:2 бўлиб қолди.

Вақт тугаб қолмоқда эди. Ким голиб чиқади деган масала ҳал бўлмади. Жаҳон чемпионатлари тарихида биринчи марта финал ўйинида 30 минутли қўшимча вақт беришга қарор қилинди. Футболчилар шу қадар қизишиб кетган эдиларки, ҳеч ким майдондан чиқиб кетгиси келмайди. Улар дам олиш учун ажратилган озгина вақтнинг ҳар бир минутидан фойдаланишни истар эди.

Бутун кучни асосий ўйинда сарфлаб, яна жангга кириш осон эмас, албатта. Матчнинг асосий вақтида асло кечириб бўлмайдиган баъзи бир хаталар ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилиб турди. Шундай бўлса ҳам, инглизларнинг ғайрати ва қуввати кўплиги очиқ кўринди. Ўйиннинг юзинчи минутида Хэрст зўр куч билан тўп тепди ва бу тўп дарвозанинг юқори штангасига тегиб ерга урилди ва майдонга қайтиб тушди. Судья Динст ўзининг ёрдамчиси Товфиқ Бахромов (СССР) билан кенгашиб олгандан кейин бу тўпни дарвозага кириб чиқди деб қайд қилди.

Аммо, Хэрст киритган бу тўп ўзининг ўткирлиги жиҳатидан мисли бўлмаган бу учрашувдаги охирги тўп бўлгани йўқ. Ўйиннинг 120-минутида немис ҳимоячиларининг тинкаси қуриб қолди ва улар яна чап томондан бостириб келиб қолган Хэрстга яккама-якка дуч келган бўлсалар ҳам қаршитлик кўрсата олмадилар. Натижада ҳисоб 4:2 га етди. Командалар ўйинни майдон марказидан бошлашга улгурмасданоқ судья ҳуштак чалиб юборди. Ҳаммани тўлқинлантирган бу футбол спектакли шундай натижа билан тугади. Ўйин тамом бўлиши билан дарҳол Англия қироличаси Елизавета орзиқиб кутилган Олтин Кубокни голиблар капитанига топширди.

Ғарчи чемпионат саккизинчи марта ўтказилган бўлса ҳам, аммо «Олтин маъбуда» кубогини фақат тўртта терма команда — Уругвай, Италия, Германия Федератив Республикаси ва Бразилия командалари олишга муваффақ бўлган эдилар. Энди эса, Англия футболчилари футбол тожини кийган бешинчи команда бўлиб қолди.

Германия Федератив Республикасининг командаси вице-чемпион бўлиб қолди, учинчи ўринни Португалия футболчилари, тўртинчи ўринни СССР футболчилари олдилар. Чилида бўлгани каби бу сафарги турнирда ҳам ўйналган 32 ўйинда саксон тўққиз тўп киритилди. Мана шунинг ўзи ҳам мудофаа тактикасига асосланган футбол услуби Англия стадионларида ҳужумкорлик ғайратини енгишга муваффақ бўлолмади. Бу жуда яхши гап, албатта.

Чемпионат Европа футбол услубини жаҳон футболининг яна пешқадами қилиб қўйди. Энг кучли тўрт команда орасида Жанубий америкаликларга жой қолмади. Улар Америка қитъасида, бўлажак олимпиада пойтахти Мехикода 1970 йилда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида яна пешқадамлар қаторига ўтиб оламиз, деган умид билан ўзларини юпатишлари мумкин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

БЎЛАЖАК САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Биринчи имтихон. Ешлар ҳаётида энг ҳаяжонли, унутилмас дақиқалардан бири. Бу дақиқалар ёшларнинг қалб дафтарига бир умр ўчмайдиган қилиб ёзиб қўйилади. Ҳаяжонланмай бўладими? Ўзининг ҳаёт йўлини, жамиятда қайси соҳа бўйича қадам ташлашини белгилайдиган, келажакдаги ширин орзуларга ғарқ қиладиган бир пайтда ким ўзининг ички ҳиссиётларини яшира олади. Шу кунларда барча ёшларимиз завқ-шаввққа тўлган ҳолда олий ўқув юртларига ўқишга кириш ҳаёли билан яшамоқдалар. Ойлар, кунлар ўта, ниҳоят, бетоқатлик билан кутилган соатлар ҳам етиб келди. Кеча республикамизнинг кўпчилик олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланди.

Совет Иттифоқида энг йирик олий ўқув юртларидан бири — Тошкент Давлат медицина институтининг сол-салқин боғи ўғил ва қизлар билан гавжум. Уларнинг ҳозирги ҳолатини уста бир рассом тасвирлаб бермаса, қалам кучи унга ожизлик қилади.

Институтга кираверишда бизни имтиҳон комиссиясининг раиси медицина фанлари доктори, профессор Вали Мажидович Мажидов кутиб олди ва имтиҳон ўтказилаётган хоналардан бирига бошлаб кирди. Бир томонда қатор экзаменаторлар ўтиришибди. Олдиларидаги стол устида имтиҳон олувчи ўқитувчиларнинг фамилияси кўрсатилган тахтачалар. Тайёргарлик кўриб бўлган абитуриентлар тўлқинланиб жавоб бермоқдалар.

Имтиҳонларни ўтказиш тартиблари ҳақида суҳбат бошланганда Вали Мажидович қуйидагиларни айтди:

— Бу йил кириш имтиҳонларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш мақсадида айрим янгиликлар киритилди. Институтнинг тўртта — даволаш, педиатрия, санитария-гигиена ва стаматология факультетларига қабул мустақил равишда олиб борилди, яъни ҳар бир факультетнинг декани бошчилигида кичик комиссиялар тузилган бўлиб, улар ҳужжатларни қабул қилишдан тортиб имтиҳонларни ўтказиш, конкурсдан ўтганларни институтга қабул қилишгача бўлган процессларни ўзлари бошқарадилар. Шу сабабли, институт ўқитувчиларидан ташқари, шаҳар мактаблари ўқитувчиларидан катта бир группаси ёрдамга чақирилди. Ҳамма факультетларда ҳам уч фандан — химия, физика ва адабиётдан (ёзма-ишш) имтиҳон ўтказилади. Экзаменаторлар состави факультетлар бўйича ҳар куни алмаштириб борилади. Ёзма ишлар абитуриентнинг фамилияси кўрсатилмаган ҳолда, шифровка қилиб ўқитувчиларга текшириш учун берилади.

Қўриб турибсизки, абитуриент радиодан ўз фамилиясини эшитгач, имтиҳон хонасига кириб билет олади. У жавоб беришга тайёр бўлгандан кейин, махсус пакет ичидан қайси ўқитувчининг столига ўтириши кўрсатилган қоғозни олади. Орадан кўп ўтмай олган баҳосини ҳам радиодан эшитади.

Шундан кейин биз институт ректори, қабул комиссиясининг раиси, медицина фанлари доктори, профессор Комил Аҳмеджонович Зуфаровга мурожаат қилиб, институтга қабул ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бу йил институтга 1290 ўқувчи қабул қилинади. Бундан 150 киши марказий шаҳарлардаги медицина ўқув юртларига юборилди. Тушган аризалар сони 5 мингдан ошиб кетди. Булар орасида медицина билим юртларини битиргач, 2-3 йил ишлаб, яна ўз малакасини оширишни истаганлари ҳам бор. Умумий қондага асосан, қабул комиссияси биринчи навбатда ўқувчиларнинг билим даражасига, яъни тўпланган баллига асосланади. Икки-уч йил иш стажига эга бўлган, армия сафидан бўшаганларга тегишли имтиёзлар берилади. Республиканинг узоқ областларини шифокорлар билан кўпроқ таъминлаш ҳам назарда тутилади. Бу йил ҳам ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тамомлаган, шунингдек ўрта махсус таълим ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатган ўқувчилар бир фандан (химия) имтиҳон топширадилар. «5» баҳо олган ўқувчи институтга қабул қилинган ҳисобланади. Акс ҳолда умумий конкурс бўйича қолган имтиҳонларни ҳам топшириши шарт.

Биз имтиҳон комиссияси составидаги ўртоқларга берган изоҳлари учун миннатдорчилик билдириб, бўлажак шифокорларга имтиҳонларда муваффақиятлар тилаб институтдан чиқиб кетдик.

А. МАЪЗУМОВ.

СУРАТДА: педиатрия факультетининг декани, медицина фанлари доктори, профессор Раҳим Худойбердиевнинг ёнидаги қизлар химиядан имтиҳон топширмоқдалар. Чапда эса экзаменатор Зикир Аҳмедов уларнинг жавобини тингламоқда.

А. Тўраев фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатлардаги бешта энг йирик авиакомпанияларга 35 минг механиклнинг 22 кун давом этган забастовкаси президент Жонсон аралашганидан кейин тамом бўлди. Ана шу забастовка натижасида мамлакатнинг ички авиалинияларида юк ва пассажирларнинг 60 процента ташилмай қолди. Бу — АҚШ граждан авиатранспорти тарихида энг катта забастовка бўлди.

Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини, ҳақ тўлаган ҳолда отпуска берилишини ва пенсия таъминоти шартлари ҳамда медицина хизматининг яхшиланишини талаб қилдилар.

Механиклар касаба союзи билан авиакомпанияларнинг эгалари ўртасидаги низони бартараф қилиш учун меҳнат министрининг иштироки билан олиб борилган ва узоқ давом этган музокаралар ҳеч қандай натижа бермаган эди. Шундан кейин президент Жонсон бу можарога аралашди. Конгресс президентга забастовкани тўхтатиш ҳуқуқини берди. Жонсон музокараларда қатнашди ва шундан кейин забастовка тамом бўлганлигини ҳамда ҳар иккала томон бир битимга келганлигини телевидение орқали эълон қилди. Лекин музокараларнинг қандай натижа берганлиги ҳали маълум эмас.

ИРЛАНДИЯ

ЛОНДОН. Ирландия банкининг хизматчилари уч ойлик забастовкадан кейин иш бошлашга қарор бердилар. Улар иш ҳақини дарҳол етти ярим процент, келгуси йилнинг апрель ойидан бошлаб эса яна уч ярим процент оширишга эришдилар.

Ирландиядаги автобус ҳайдовчилардан икки мингга яқин киши иш ҳақини ошириш ва иш ҳафтасини қисқартириш ҳақидаги талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан бир кунлик забастовка ўтказдилар.

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ. Керала штатидаги каучук плантацияларининг иш ташлаган ишчиларидан 200 киши ҳукумат муассасалари ёнида пикетлар уюштиргалиги учун қамоққа олинди. Кейинги уч кун ичида бу штатда 500 киши қамоқа олинди, деб хабар беради «Пэтриот» газетаси Тривандрамдан.

Бу штатда каучук плантацияларининг ишчиларидан 25 минг киши қарийб бир ойдан бўён забастовка қилмоқда. Улар жумладан иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Бу забастовка штатдаги турли касаба союзларининг даъватига мувофиқ ўтказилмоқда.

ГРЕЦИЯ

АФИНА. Автобус ҳайдовчилар ва кондукторлардан иш ташлаган 2 мингдан ортиқ киши 29 июлда Афинадаги ишчи маркази ёнида тўпланди. Греция пойтахтидаги полициячиларнинг ҳаммаси шай қилиб қўйилган эди. Полиция отряди автобус устахоналарини қуршаб олди. Ҳукуматнинг сафарбарлик тўғрисида чиқарган буйруғига қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилган 350 киши эрта биланоқ шу устахоналар ёнида баррикадалар қуриб олган эди.

Ана шу буйруққа қарамай, забастовка бўлиб ўтди.

ИТАЛИЯ

РИМ. Италия полиграфия саноати меҳнаткашларининг уч ойдан кўпроқ давом этган қаттиқ кураши ғалаба билан тугалланди. Маъмурият янги меҳнат шартномасини тузиш учун розилик беришга мажбур бўлди. Бу шартнома меҳнаткашларнинг иш ҳақини оширишни кўзда тутади. (ТАСС).

НИГЕРИЯДАГИ ВОҚЕАЛАР

ЛОНДОН. (ТАСС). Нигериядаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Ҳарбий ҳукумат 29 июлда мамлакатнинг уч районида — Ибадан, Абеокута ва Икежа шаҳарларида фавқулодда ҳолат жорий қилди.

Рейтер агентлигининг мухбири Лагосдан хабар беради: Ҳарбий ҳукумат аҳволни контроль қилаётганлигини ва яқин орада тинчлик ҳамда осойишталикни тиклаш умидида эканлигини билдирди. Аммо, тасдиқланмаган хабарларга қараганда, исёнчилар Нигерия ҳарбий ҳукуматининг бошлиғи генерал-лейтенант Агийи-Ироонсини қўлга олганлар. Исён бошланган чоқда Агийи-Ироонси Ибаданда бўлган.

ЛОНДОН. (ТАСС). Лагос радиоси 30 июль эрталаб Нигерия қуролли кучлари штаби бошлиғи бригада генерали Одундиненинг мурожаатини эшиттирди. Мурожаатда ҳозирги вақтда мамлакатдаги аҳвол «назорат қилиб турилганлиги» таъкидланади. Рейтер агентлиги мухбирининг Лагосдан хабар беришича, халққа қарата чиқарилган бу мурожаатда, жумладан, бундай дейилади: «Миллий ҳарбий ҳукумат бутун аҳолига мурожаат қилиб, мамлакатимизда ҳозирги тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиш учун қуролли кучлар билан ҳамкорлик қилишга чақиради. Миллий ҳарбий ҳукумат бесаранжом бўлиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деб ҳаммани шунга ишонтиришни хоҳлайди».

ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

ОДАМНИ ЮТГАН ИЛОН

Бихар штатидаги Пурнеа районига қарашли Джаннинагар қишлоғи яқинида ёшгина ҳинд йигитининг илон билан учрашуви унинг ҳаёт-мамотини ҳал қилди, деб хабар беради ПТИ агентлиги. Ҳинд йигити Кози каналидан ўтмоқчи бўлган эди. Шу пайт қўққиссдан унга баҳайбат илон ташланди ва уни юта бошлади.

Ёрдамга етиб келган иккинчи ҳинд илонни отди. Бироқ, у кечиккан эди. Илон одамни белигача ютиб қўйган ва у алла қачон ўлган эди.

МАСТОДОНТ СКЕЛЕТИ ТОПИЛДИ

Пловдив округидаги (Болгария) Езерево қишлоғи яқинида баҳайбат мастодонт скелети топилди. Скелет Каялийка дарёсининг қирғоғида 15 метр чуқурликда қум орасида ётган бўлиб, жуда яхши сақланиб қолган. Ўтган йили шу ердан икки юз метр узоқроқда динотерия скелети топилган эди.

Бир-бирига яқин жойда топилган бу скелетлар, деб хабар қилади Болгария телеграф агентлиги, мутахассисларга бу ерда бундан миллион йиллар муқаддам яшаган умуртқали баҳайбат ҳайвонларнинг ўзига хос қабри жойлашган деб айтиш учун асос бўла олади.

Скелетни Асеноград ўрта мактабининг биология ўқитувчиси Димитрий Константинов топди. У кейинги беш йил ичида Болгария палеонтология коллекциясини мастодонтларнинг кўпгина бош суяклари ва бошқа қолдиқлари билан бойитди.

МАЙМУНЛАР — ДЕНГИЗ ОВЧИЛАРИ

Ява ороли (Индонезия)да моллюсклар, креветлар ва бошқа денгиз ҳайвонларини яхши кўрадиган маймунлар яшайди. Улар денгиз тубида ов қиладилар ва тез-тез сувости йиртқичлари билан олишадилар. Айрим маймунлар бундай овга ўз болаларини ҳам олиб чиқишади. Улар сувга ва чуқурликка кўникиб, ўзлари ҳам ов қила бошлайдилар. (ТАСС).

АВГУСТ ОЙИДА

ОБ-ХАВО

Бу йил август ойи жуда иссиқ келади. Ҳарорат 37-43, республиканинг жануб томонларида эса 45 даражагача етади. Республиканинг кўпчилик районларида ҳаво очиқ бўлиб, деярлик ёғингарчилик бўлмайди. 5-7 августда Фарғона водийсининг жанубий-шарқида ва 13-15 августда Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчиликнинг бўлиши кутилади. Бу районларда намгарчилик 0,2 миллиметргача етади.

Тошкент областида ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. 25-30 даража иссиқ бўлади. Ҳарорат 37-42 даражагача кўтарилади.

Европадан, Архангельск областида стратосферасида йиғилиб турган совуқ ҳаво оқими Урта Осиёга оқиб келиши кутилади. Шундагина ҳароратнинг бир оз пасайиши кутилади. Республиканинг жануб томонида 3-10 августларда кечаси 19-24, кундузи 43 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкент областида 11-16 август кунлари ҳарорат бир оз пасайиб, кечаси 9-14, кундузи эса 25-30 даража иссиқ бўлади. Умуман республикамизда августнинг биринчи ярми иссиқ бўлиб, 15 августдан бошлаб ҳарорат бир оз пасайиши кутилади. Ҳарорат кечаси 15-18, кундузи эса 30-36 даража орасида бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — саломатлик гарови. 8.25 — Концерт. 9.30 — Кичик концерт. 9.50 — Юксак савдо маданияти учун (тож.). 10.30 — Чолғу куйлари. 11.10 — Халқ контролёрлари (рус.). 11.25 — Концерт (чанг ва оркестр учун). 12.15 — Спорт эшиттириши. 12.30 — Ўзбек кинофильмларидан куйлар. 13.30 — Енгил чолғу куйлари. 16.15 — Композитор А. Муҳамедов. 18.10 — «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон». 18.30 — Концерт. 20.00 — «Навоий» чироқлари (рус.). 20.10 — Верди операларидан саҳифаларида. 20.45 — Янги илмий-оммабоп китоблар. 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Дунё воқеалари. 22.20 — Концерт (саноат ходимлари талабига мувофиқ). 22.40 — «Ленинни шарафлаймиз» (рус.). 23.20 — Фурқат лирикаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Сварканинг янги методи. 18.50 — 20 соат (бадиий фильм).

20.40 — Эртаги кун программаси.

Ўзбек тилида: 20.45 — Телевизион янгиликлар. 21.00 — Чарли Чаплин. 22.00 — Хаё (Тошкент телестудиясининг музикали драма премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — Музикали календарь. 19.35 — Тошкент янгиликлари. 19.45 — Учувчи диск (телефильм). 20.05 — Заповеднин сўқмоқларида (ҳужжатли фильм). 20.15 — Замондош (телеочерк).

Рус тилида: 20.35 — Қардош Монголия ерида (ҳужжатли фильм).

20.55 — Тошкент янгиликлари. 21.05 — Мексика уларни олқишлади (ҳужжатли фильм). 21.25 — Танца ўқитувчиси фильм-спектаклнинг 1-серияси.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VIII да Нурхон.

Ишга таклиф.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ МАРКАЗИЙ БАЗАСИГА

қурилишларни ва қурилиш индустрияси корхоналарини материал-техника жиҳатдан таъминлаш иши билан таниш **инженерлар ва техниклар** (бўлим бошлиқлари, инженерлар, старший инженерлар, диспетчерлар вазифасига). **бухгалтерлар, склад мудирлари, русча машинистиалар, автомобиль ва акнумулятор погрузчикларининг машинистлари, экспедиторлар**

КЕРАК

ИТР ва хизматчиларга вазифа окладлари бўйича ва премиал асосда, ишчиларга ва механизаторларга ишбай ва вақтбай асосида ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов станцияси (18, 30-автобусда шаҳар чегарасигача ва 29, 30-автобусда «Мол боқиш базаси» остановкасигача борилади).

ТОШКЕНТ МОЙ-ЁҒ КОМБИНАТИГА

электромонтёрлар, слесарлар, цехларга 8-10-синф ҳажмида маълумоти бўлган **хотин-қизлар ва эрканлар, гишт терувчилар, сувоқчилар, буёқчилар, дурадгорлар, юкчилар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-73, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй, кадрлар бўлими. (236-автобуснинг «Мой-ёғ комбинати» остановкаси).

КАЛИНИН РАЙОН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИГА

бош бухгалтер ўринбосари, старший бухгалтер, бухгалтерлар, бухгалтер-ревизор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар. Урожайная кўчаси, 2-уй. (7-трамвай, 8-троллейбус, 28-53-автобуснинг «5-квартал» остановкаси).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат Комитети коллективи план бўлимининг бошлиғи Р. Жабборовга отаси **Жаббор ХОНХЎЖАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37263. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32038. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 172. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 06625.